

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАИМОВА ДИЛНОЗА РАИМОВНА

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА УНАБИ (*Ziziphus jujuba Mill.*)
ПЛАНТАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Раимова Дилноза Раимовна

Қашқадарё воҳаси шароитида унаби (*Ziziphus jujuba Mill.*)
плантациясини ташкил этиш ва етиштириш технологиясини ишлаб
чиқиш 3

Раимова Дилноза Раимовна

Организация плантации и разработка технологии возделывания унаби
(*Ziziphus jujuba Mill.*) в условиях Кашкадарьинского оазиса 19

Raimova Dilnoza Raimovna

Development of the technology of organizing and producing unabi (*Ziziphus
jujuba Mill.*) plantation in the conditions of Kashkadaryo oasis 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАИМОВА ДИЛНОЗА РАИМОВНА

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА УНАБИ (*Ziziphus jujuba Mill.*)
ПЛАНТАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Qx1111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исломов Соҳиб Яхшибекович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Камолитдин Садриддинович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Холмирзаева Лола Бахромовна,
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

**Академик М.Мирзаев номли Боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институту**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил 12 август соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (551571-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 31 июль куни тарқатилди.
(2024 йил 05 июлдаги №20-рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Асатов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д.
(PhD), доцент

С.А. Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда мева турлари ассортиментини кенгайтириш, мевали боғлар плантацияларини барпо этиш, ҳосилдорликни ва мева маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. “Ҳозирда дунё бўйича субтропик мева экин турларидан бири бўлган, унаби плантацияларининг экин майдони 410 минг гектардан ортиқ бўлиб, ялпи ҳосил 7,5 млн тоннани ташкил этади”¹. Унаби ўсимлиги қадимги даврларда етиштирилган ҳамда Жанубий ва Шарқий Осиё, жанубий Европа (Ўрта ер денгизи), Япония ва Австралия мамлакатларида кенг тарқалган. Шу билан бирга, “Кавказ ва Марказий Осиёнинг тоғ ва адирли қуёшли, қуруқ ён бағирларида кенг тарқалган бўлиб, ҳозиргача 400 га яқин навлари маълум”². Унаби асосан доривор хусусиятлари туфайли кўплаб етиштирилмоқда ва унинг ҳар бир иқлим минтақасига мос навларини танлаш долзарб аҳамиятга эгадир.

Сўнги йилларда Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, АҚШ ва Россия каби давлатларда унабининг ҳосилдор ва ноқулай иқлим шароитларига бардошли, интинсив типдаги навларини яратиш, катта ҳажмдаги плантацияларни ташкил этиш, сифатли мева ва юқори ҳосил олиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозиргача Хитойда унабининг кўплаб янги истикболли навлари яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилган. Ушбу янги навларни аксарияти интинсив типда боғ барпо этишга мўлжалланган навлар ҳисобланади. Ҳозирда мевачилик тармоғини бошқариш, тизимини ислоҳ қилиш, мевали ўсимликлар экин майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги сабабли унаби плантацияларини ташкил этиш ва сифатли ҳосил етиштириш долзарб ҳисобланади.

Республика ҳудудида мевачиликни, хусусан унаби плантацияларини ташкил этиш, юқори ҳосил ва сифатли мевалар етиштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин республикамизнинг жанубий минтақаларида хориждан келтирилган интенсив типдаги боғларни барпо этиш, уларни замонавий агротехник тадбирлар асосида парвариш қилишнинг илмий асослари етарлича тадқиқ этилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 3.30-бандида ҳам «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 % га етказиш»³ вазифалари алоҳида белгилаб қўйилган. Бу борада унаби боғларини барпо этиш, навларнинг морфологик

¹ <https://www.samdu.uz/cy/news/18614>

² https://unabi.valovoe._производство,html:https://ru.wikipedia.org/wiki/zizifis_yuyuba/

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

кўрсаткичларига экологик муҳитни таъсирини аниқлаш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28-январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимларидан унаби ўсимлигини кўчатини етиштириш, боғлар ташкил этиш, уларнинг морфобиологиясини ўрганиш, сифатли ва юқори ҳосил олишда Хитойда Х. Jin, L. Li, X. Yao, Q. Gao, V. J. Bastos, A. S. Namood, M. Emyre, МДХ давлатларидан А. В. Рындин, Г. В. Настас, А. И. Колесников, М. Ю. Карнатовская, Л. В. Пономаренко, Г. А. Сурхаев, Д. В. Ксенфонтова, Т. В. Литвинова, Т. П. Кучерова, Л. Т. Синько, А. А. Шекиладзе, А. Д. Мекиладзе, Р. Л. Адамов, Х. А. Алиев, А. Х. Мухаммедов, Ўзбекистонда У. А. Ахмедов, Л. Т. Ташматов, Ж. А. Ахмеджанов, Х. Б. Шоумаров, Ў. Ж. Мирзохидов Л. Б. Холмирзаева, М. Очилов ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Бугунги кунда замонавий интенсив унаби боғларини ташкил этиш, уларни самарадорлигини янада ошириш, тупроқ-иқлим шароити ва экологик муҳити ноқулай бўлган ҳудудларда биологик ва хўжалик маҳсулдорлигини тўла намоён эта оладиган унаби навларини ажратиш олиш, кўчатларни экиш схемасига мос ҳолда жойлаштириш, озиклантириш, шакл бериш усулларини танлаш, боғ шароитларида ўсимликларни парваришlash жараёнларига ресурс тежамкор технологияларни қўллаш бўйича қишлоқ хўжалигида боғдорчилик тармоғида бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шундан келиб чиқиб интенсив турдаги унаби боғларида дарахтларнинг морфо-биологик ҳолатини ўрганиш, кўчатларни жойлаштиришнинг мақбул схемаларини танлаш, шакл беришнинг энг самарали усулларини тадбиқ этиш ва ўсимликларни парваришlash жараёнларини тубдан такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Унаби плантацияларини ташкил этишда тупроқ-иқлим шароитларига мос навларини ажратиш, экиш схемаларни аниқлаш, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига экологик муҳитни таъсирини ўрганиш натижасида ушбу муаммоларни бартараф этиш имконини беради.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети, Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедрасининг №12-1 рақамли “Мева, резавор мева ва узум етиштиришни такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш технологиялари” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган (2020-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида унаби боғларини барпо этиш, навларнинг морфологик кўрсаткичларига экологик муҳитни таъсирини аниқлаш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё тупроқ-иқлим шароитида унаби дарахтларининг мавсумий ўсиш ва ривожланиш динамикасини таҳлил этиш;

унаби навларини қурғоқчиликка чидамлилигини исботлаш;

унаби навларини куруқ паст ҳароратга чидамлилигини аниқлаш;

унаби навларини тупроқ шўрлигига чидамлилигини аниқлаш;

боғ барпо этишда энг мақбул кўчат экиш схемасини ишлаб чиқиш;

боғларни озиклантиришда бериладиган минерал ўғитларнинг мақбул меъёрларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида унабининг Та-ян-цзао (st), У-син-хун, ва Хитойдан яқинда интродукция қилинган Маябаизао, Жихинзао, Занхуангдазао навлари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб унаби навларининг морфо-биологик хусусиятлари, интенсив боғларда унаби кўчатларини жойлаштириш схемалари, унаби дарахтларининг новдаларини ўсиш ва ривожланиш динамикасини, ўсимликларни ноқулай шароитларда чидамлилик хусусиятлари, экиш схемаси, ўсимликларни озиклантириш (N,P,K) жараёнларининг таҳлили хизмат қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар Х.Ч.Бўриев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), В.Л. Витковский «Изучение динамики роста побегов, формирование почек и цветков у плодовых растений» (1989), В.П. Моисеев, Н.П. Рещецкий «Физиология и биохимия растений (Методические указания)» (2009), Г.Р. Мурсалимова «Биологические особенности клоновых подвоев и сортоподвойных комбинаций в условиях степной зоны» (2008) ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишонччилик оралиғи билан Б.А. Доспехов услуби (1985) бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё тупроқ-иқлим шароитида унаби дарахтлари новдаларнинг мавсумий ўсиши май ойида Та-ян-цзао ва У-син-хун навларига нисбатан Маябаизао навида 3-4 см, Жихинзао 4-5 см, Занхуангдазао навида

эса 8-10 см гача юқори бўлиши аниқланган;

майдамевали пайвандтагда етиштирилган унаби навларининг курғоқчиликка бардошлилиги бошқа навларга нисбатан Маябаизао ва Жихинзао навларида юқори бўлиши исботланган;

унаби ўсимлиги курғоқчилик шароитида ҳаво ҳарорати +42°C дан ортиши, нисбий намлик 14% дан паст бўлиши натижасида барг протоплазма тузилмаларининг шикастланиши аниқланган;

унаби ўсимликнинг кўп йиллик новдаларини совукдан зарарланиш ҳолати 2-3 ёшли ўсимликларда 0,5%, бир йиллик шохларининг 0,7% ва куртаклар 0,8% гача, 7-8 ёшли ўсимликларда эса кўп йиллик новдалари 0,2%, скелет шохлари 0,4% ва куртаклар 0,6% гача (28-30°C) зарарланиши аниқланган;

унаби ўсимликлари кўчатларини турли концентрацияли 0,1 ва 0,2% хлор ионларининг NaCl эритмаси билан сунъий шўрланиш шароитида ўстирилганда Та-ян-цзао (st) навида 80%, У-син-хун навида 82%, Маябаизао навида 86%, Жихинзао навида 88%, Занхуангдазао навида эса 84% бардошлилиги исботланган;

боғ барпо этишда Маябаизао, Жихинзао, Занхуангдазао навларини 3x4 экиш схемасида экилганда юқори самарадорликка эришилган, бунда озикланиш майдонига қараб 1 га майдонга 833 дона кўчат жойлашиши аниқланган;

Қашқадарё вилояти иқлим шароитида унаби боғларни озиклантиришда минерал ўғитларнинг энг мақбул меъёри 1 га майдонга соф ҳолатда N₁₀₀P₄₀K₃₀ миқдорда берилганда юқори натижага эришиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

унаби дарахтларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари хўжалик ҳамда биологик нуқтаи назардан баҳоланган;

унаби ўсимлигининг кўп йиллик новдаларини совукдан зарарланиш ҳолати 2-3 ёшли ўсимликларда 0,5%, бир йиллик шохларининг 0,7% ва куртаклар 0,8 % гача, унабининг 7-8 ёшдаги ўсимликларининг кўп йиллик новдаларини зарарланиши даражаси эса 0,2%, скелет шохларининг 0,4% ва куртаклар 0,6% гача (28-30°C) зарарланганлиги тажриба натижасида асосланган;

унаби ўсимликлари турли концентрацияли 0,01 ва 0,02% хлор ионларининг NaCl эритмаси билан сунъий шўрланиш даражасида ўстирилганда Та-ян-цзао (st) навида 80%, У-син-хун навида 82%, Маябаизао навида 86%, Жихинзао навида 88%, Занхуангдазао навида эса 84% кўчатларини бардошлилиги исботланиб самарадорлигига эришилган;

боғ барпо этишда энг мақбул кўчат экиш схемаси Маябаизао, Жихинзао, Занхуангдазао навларини 3x4 экиш схемасида экилганда юқори самарадорликка эришилган, бунда озикланиш майдонига қараб 1 га майдонга 833 дона кўчат жойлашиши аниқланди, бу назоратга нисбатан 500 дона кўп кўчат экиш имкони аниқланган;

Қашқадарё вилояти иқлим шароитида боғларни озиклантиришда бериладиган минерал ўғитларнинг энг мақбул меъёри 1 га майдонга соф ҳолатда $N_{100} P_{40} K_{30}$ миқдорда берилганда юқори натижага эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот мавзуси бўйича назарий кузатув ва лаборатория-дала тажрибаларининг мунтазам апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларига математик-статистик ишлов берилганлиги, ижобий натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги; тадқиқот натижаларининг хорижда ва республикада ўтказилган нуфузли илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, сертификат ва дипломлар олинганлиги, илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги, шунингдек мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳисоблар ва кузатувлар методикаси ишлаб чиқилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унаби дарахтларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари таҳлил этилиб, унаби ўсимлигининг кўп йиллик новдаларини совуқдан зарарланиш ҳолати 2-3 ёшли ўсимликларда 0,5% - бир йиллик шохларининг 0,7% ва куртаклар 0,8% гача, унабининг 7-8 ёшдаги ўсимликларининг кўп йиллик новдаларини зарарланиши даражаси эса 0,2%, скелет шохларининг 0,4% ва куртаклар 0,6% гача (28-30°C) зарарланиш даражаси ўсимлик органларини ривожланишида корреляцион боғлиқлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унаби навлари барча ноқулай шароитларга бардошлилиги; боғ барпо этишда энг мақбул кўчат экиш схемаси Маябаизао, Жихинзао, Занҳуангдазао навларини 3x4 экиш схемасида экилганда юқори самарадорликка эришилганлиги, бунда озикланиш майдонига қараб 1 га майдонга 833 дона кўчат жойлашиши аниқланганлиги, бу назоратга нисбатан 500 дона кўп кўчат экиш имконини берганлиги;

Қашқадарё вилояти иқлим шароитида боғларни озиклантиришда бериладиган минерал ўғитларнинг энг мақбул меъёри 1 га майдонга соф ҳолатда $N_{100} P_{40} K_{30}$ миқдорда берилганда юқори натижага эришиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паст бўйли унаби боғларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб берилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчилик фермер хўжаликлари учун «Қашқадарё воҳаси шароитида унаби (*Ziziphus jujuba* Mill) плантациясини ташкил этиш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 19 апрелдаги 05/01-05/02-05/04-04-154 сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида унаби боғларини барпо қилиш ва парваришlashда

қўлланма сифатида хизмат қилган;

унабининг “Занхуангдазо” навидан плантация барпо этиш ишланмаси Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги “Барчиной издошлари” фермер хўжалигида 1,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 19 апрелдаги 05/01-05/02-05/04-04-154 сон маълумотномаси). Натижада, барпо қилинган унабизордан 16,5 т/га ҳосилдорлик олинган ҳамда рентабеллик даражаси 175,0% ташкил қилган.

унаби плантацияларини барпо этиш технологияси Қарши туманидаги “Мўминов Искандар Азимович” ва “Шомуродов Тошпўлат Нормуродович” фермер хўжаликларида 1,0 гектардан, жами 2,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 19 апрелдаги 05/01-05/02-05/04-04-154 сон маълумотномаси). Натижада, гектаридан олинган соф даромад унаби навларида – 31,5-33,6 млн сўм, унаби меваларини етиштиришда рентабеллик даражаси эса 175,0% ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзу ва олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда муҳимлиги илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари баён этилган, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ифодаланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Унаби (*Zizyphus jujuba* Mill.) экологик ва биологик хусусиятлари, тарқатилиши ва таҳлилий асослари (адабиёт шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида унабининг агробиологик хусусиятлари, унабининг дунё бўйича тарқалиш ареаллари, республикамизда тарқалган навлари, ўсиш шароитлари тўғрисида хориж ва маҳаллий адабиётлар

маълумотлари таҳлил этилган. Унабини етиштириш технологиялари юзасидан илмий манбаларда келтирилган маълумотлар таҳлил этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказилган жойнинг тавсифи, объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитлари тавсифи деб номланиб, тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ иқлим шароитлари, тавсифлари, ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари келтирилган. Ушбу бобнинг **“Тадқиқот объекти ва услублари”** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Қашқадарё воҳаси шароитида унаби ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши жараёнида уларнинг тупроқ-иқлим шароитига чидамлилигини аниқлаш”** деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлими **“Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида унаби дарахтларининг мавсумий ўсиш ва ривожланиш динамикаси”** деб номланиб, ушбу бўлимда республикамизда экилиб келинаётган ва хитойдан интродукция қилинган унаби навларини агробиологик хусусиятлари навлар ва пайвандтагда етиштирилган кўчатлар ўзаро таққосланиб уларнинг агробиологик ҳамда ҳўжалик белги ва хусусиятлари ўзаро таққосланган.

Тупроқ шароитининг таъсири энг аввало дарахтларнинг вегетатив ривожланишида ўз аксини кўрсатади. Ҳар хил тупроқ шароитида барпо этилган унаби навларида ўсув ва гул куртакларининг ёзилиш муддатини кузатиш улар орасида маълум тафовут бўлишини қайд этиш имконини берди. Бинобарин, унабининг Та-ян-цизо, У-син-хун, ва Хитойдан яқинда интродукция қилинган Маябаизао, Жихинзао, Занҳуангдазао навларида ўсув ва гул куртакларининг ёзилиш жараёнлари тажрибаларимизда кузатилди (1-жадвал).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, узоқ йиллардан бери республика ҳудудида етиштирилиб келаётган унаби навлари, хитойдон янги интродукция қилинган навлар билан таққосланганда, ўсимликларда кечадиган, физиологик жараёнлар натижасида куртакларни ёзилиши, бўртиши, гуллаш муддатларида катта тофовут кузатилмади.

Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унаби навларида, ўсув куртакларининг ёзила бошлаш муддати барча навларда апрель ойининг 3 декадасида бошланганлиги кузатилди. Бунда Та-ян-цизо навида апрель ойининг 25-30 саналар орасида кузатилган бўлса, У-син-хун навида 23-27, Маябаизао навида 22-26, Жихинзао навида 23-27, Занҳуангдазао навида 24-29 саналарда ўсув куртакларининг ёзила бошлаганлиги кузатилди. Навлар аро куртакларнинг бўртиши, гуллашнинг бошланиши ва давомийлиги бўйича кузатилган кўрсаткичларда катта фарқланишлар кузатилмаган бўлсада Маябаизао, Жихинзао, Занҳуангдазао навларида гуллашнинг якуни ҳолати,

қолган иккита навга нисбатан 2-4 кун эртароқ амалга ошганлиги аниқланган.

1-жадвал

Унаби навларининг ўсув ва гул куртакларини ёзилиши, куртакларнинг бўртиши ва гуллаш муддатлари (2021-2023 й.й).

Унаби навлари	Ўсув куртакларининг ёзила бошлаши, сана	Гуллаш, сана				Мева-ларни пишиш даражаси, 50%	Мева-ларни пишиш даражаси, 75%
		куртакларнинг бўртиши	50% гуллаш	75% гуллаш	гуллашнинг тугаши		
Вегетатив қаламчалардан кўпайтирилган унаби навлари (назорат)							
Та-ян-цзао	25-30. IV	5-10.V	12-17. V	20-25.V	2. VI	23. VIII	05. IX
У-син-хун	23-27. IV	3-8.V	10-15. V	18-23.V	1. VI	22. VIII	03. IX
Маябаизао	22-26. IV	3-8.V	11-16. V	17-22.V	30. V	20. VIII	03. IX
Жихинзао	23-27. IV	4-8.V	10-15. V	18-23.V	30. V	19. VIII	28 VIII
Занхуангдазао	24-29. IV	4-9.V	11-16. V	19-24.V	29. V	18. VIII	26 VIII
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унаби навлари							
Та-ян-цзао	24-29. IV	5-10.V	10-15. V	18-22.V	30. V	18. VIII	28. VIII
У-син-хун	23-27. IV	3-8.V	9-14. V	17-22.V	28. V	16. VIII	26. VIII
Маябаизао	22-29. IV	3-8.V	10-15. V	17-22.V	27. V	16. VIII	25. VIII
Жихинзао	22-26. IV	3-7.V	9-14. V	18-22.V	27. V	15. VIII	25. VIII
Занхуангдазао	23-27. IV	4-9.V	9-14. V	18-22.V	28. V	15. VIII	23. VIII

Изоҳ: 1-жадвалда тажрибаларимизда фойдаланилаётган унаби навларни ўсиши ва ривожланиш динамикаси таққосланган.

Диссертациянинг учинчи боб “Унаби навларини қурғоқчиликка чидамлилигини аниқлаш” деб номланган иккинчи бўлимида унаби навларининг қурғоқчиликка мослашишнинг экологик ва физиологик жиҳатлари бу навларнинг ўзига ҳос хусусиятлари бўлиб турли хил навларда турлича бўлиши кузатилади. Унаби ўсимлигининг қурғоқчилик шароитларига мослашиши, ўсимликдаги бир қатор ўзгаришлар ва маълум бир хусусиятлар туфайли амалга ошади.

Жумладан ўсимликнинг маълум бир морфологик хусусиятларининг ўзгариши, ўсимликда кечадиган физиологик жараёнлар ва уларни экологик ташқи муҳитга бардошлилиги билан баҳоланади. Ўсимликлар қурғоқчилик шароитга мослашуви популяция, организм ва ўсимлик тўқималари ва хужайрасида бўладиган ўзгаришлар давомида содир бўлади.

Ўсимликлар баргида вегетация давридаги сув миқдори ўртача 51,2-61,3% ни ташкил этди. Унаби ўсимлиги баргларидаги энг юқори сув миқдори июнь ойининг биринчи декадасида кузатилди, бу ҳолат эса тупроқдаги умумий намлик захираси билан боғлиқ равишда бўлганлиги аниқланди. Унаби ўсимлиги баргларидаги сув миқдорини пасайиши тупроқ намлигининг пасайиши билан изоҳланади.

Ушбу навларнинг баргидаги сув миқдори 2021 йилнинг энг нам йилида мавсум давомида 5,2-5,5% га, энг қурғоқчил кузатилган 2022 йилда эса

7,4-8,7% гача ўзгарганлиги аниқланди. Ўсимликлар ноқулай омил таъсирида баргларнинг умумий сув таркибидаги ўзгаришлар таққосланганда, нисбатан кичик мевали навлар намлик етишмовчилигига, қурғоқчиликка энг чидамли бўлганлиги кузатилди. Шу билан бирга тажрибаларимизда пайвандланган ўсимликлар пайвандланмаган ўсимликларга таққосланганда пайвандланган ўсимликлар сув таркибидаги ўзгаришлар яъни қурғоқчиликка бардошлилиги ижобий натижа кўрсатганлиги кузатилди.

Бизга маълумки ўсимликлар ҳаётида сув танқислигининг аҳамияти ҳақида қарама-қарши маълумотлар мавжуд бўлиб сув танқислиги ҳисобига фотосинтез интенсивлигининг пасайиши ва ўсимликни ўсиш жараёнларини салбий таъсир кўрсатишини таъминлайди. Ўсимликда сув танқислиги сувнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, ўсимликнинг сув танқислигига муносиб жавоб бериш ва сув танқислиги шароитида яшаб қолиш хусусияти, ҳимоя механизмларининг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Ўсимлик ҳужайрасидаги сув танқислиги даражасида унинг тургорлигини йўқолиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг учинчи боб “Унаби навларини паст ҳароратга бардошлилигини ўрганиш” деб номланган учинчи бўлимида унаби навларининг маълум бир органларида ҳароратни кескин паст бўлиши натижасида зарарланишлар кузатилди. Бунда асосан 2-3 ёшли ва 7-8 ёшли унаби навларининг бир йиллик ва кўп йиллик новдалари, кўртакларининг зарарланиш даражалари визуал кузатувлар натижасида аниқланди. 2023 йил январь ойида ҳаво ҳарорати ўртача -32-34 ва ундан ҳам паст бўлган вақтлар кузатилди.

Бунда ўсимликнинг кўп йиллик новдаларини совуқдан зарарланиш ҳолати 2-3 ёшли ўсимликларда 0,5%, бир йиллик шохларининг 0,7% ва куртаклар 0,8% гача зарарланганлиги кузатилди. Унабининг 7-8 ёшдаги ўсимликларининг кўп йиллик новдаларини зарарланиш даражаси 0,2%, скелет шохларининг 0,4% ва куртаклар 0,6% гача зарарланганлиги тажрибаларимиз давомида кузатилди. Узоқ йиллик новдаларни умумий зарарланиши даражаси жуда паст кўрсаткичда (0,1-0,2%) бўлганлиги аниқланди.

Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики турли навларни паст ҳароратга чидамлилиги ўсимлик ёшига боғлиқ ҳолда ошиб бориши аниқланди. Агар 2-3 ёшли унаби дарахтларининг маълум бир органлари (бир йиллик новдалар, вегетатив ва генератив куртаклар) шикастланиши кузатилган бўлса, ўсимлик 7-8 ёшда бўлганда бир йиллик новдалар ва маълум бир куртакларни совуқдан (-32°C) зарарланиши кузатилади.

Вегетатив қаламчалардан кўпайтирилган 2-3 ёшдаги унаби навлари паст ҳароратга чидамлилиги таҳлил этилганда, Та-ян-цзао (st) навида кўп йиллик новдалар 0,7%, бир йиллик шохлар 0,9%, куртаклар 0,10% гача зарарланганлиги кузатилди. Та-ян-цзао (st) навининг 7-8 ёшдаги нави паст ҳароратга чидамлилиги таҳлил этилганда, кўп йиллик новдалар 0,6%, бир

йиллик шохлар 0,7%, куртаклар 0,8 % гача зарарланганлиги аниқланди.

Унабининг У-син-хун 2-3 ёшдаги нави паст ҳароратга чидамлилиги таҳлил этилганда, кўп йиллик новдалар 0,6%, бир йиллик шохлар 0,8%, куртаклар 0,9% гача зарарланганлиги кузатилган бўлса, 7-8 ёшдаги унаби дарахти паст ҳароратга чидамлилиги таҳлил этилганда, кўп йиллик новдалар 0,6%, бир йиллик шохлар 0,8%, куртаклар 0,9% гача зарарланганлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Унаби навларининг 2-3 ва 7-8 ёшдаги дарахтларини бир ва кўп йиллик новдалари ва куртакларини совуққа чидамлилик даражаси (2023 й.)

Унаби навлари	Унаби дарахтларини совуққа чидамлилик даражасининг таҳлили, %					
	2-3 ёшли дарахтлар			7-8 ёшли дарахтлар		
	кўп йиллик новдалар	бир йиллик шохлар	куртаклар	кўп йиллик новдалар	бир йиллик шохлар	куртаклар
Вегетатив қаламчалардан кўпайтирилган унаби навлари (назорат)						
Та-ян-цазо (st)	0,7	0,9	0,10	0,6	0,7	0,8
У-син-хун	0,6	0,8	0,9	0,5	0,7	0,8
Маябаизао	0,5	0,7	0,8	0,5	0,6	0,7
Жихинзао	0,6	0,7	0,9	0,5	0,6	0,7
Занхуангдазао	0,7	0,8	0,10	0,6	0,7	0,8
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унаби навлари						
Та-ян-цазо (st)	0,5	0,7	0,8	0,3	0,5	0,6
У-син-хун	0,4	0,6	0,7	0,2	0,4	0,5
Маябаизао	0,3	0,5	0,6	0,2	0,4	0,5
Жихинзао	0,5	0,6	0,6	0,3	0,4	0,5
Занхуангдазао	0,6	0,6	0,7	0,3	0,5	0,5

Диссертациянинг тўртинчи боб “Экиш схемасига боғлиқ равишда унаби ўсимликларини ўсиши ва ривожланиши” деб номланган биринчи бўлимида унаби ўсимлигини йиллик ўсиш фаоллигига экиш схемасининг таъсири ўсимликларнинг бошқа турли биометрик кўрсаткичларининг (дарахтларнинг бўйи, тана асосининг диаметри, шох-шаббасининг проекцияси, шох-шаббасинг ҳажми ва б.) ривожланишида ҳам янада яққол намоён бўлганлиги аниқланди. Бинобарин, унабининг тажрибаларимизда ўрганилган Маябаизао ва Занхуангдазао нави ўсимликларини кучли ривожланиши кўрсаткичлари 5x4 ва 4x3 м схемада бўлганда ижобий натижа қайд этилди (3-жадвал).

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики гарчи унаби ўсимликларини бўйи энг сийрак экилган 5x6 м схемада энг узун (33,3 см) бўлсада, шох-шаббанинг эни ва проекцияси ушбу тажриба вариантыда энг кичик қийматларда бўлганлиги аниқланди.

Унаби ўсимликлари зичлаштириб экилган вариантда асосий новданинг юқорига жадал ўсиши лекин умумий ҳолатда ўсимликни шох-шаббасининг

сустроқ ривожланишига олиб келиши аниқланди.

3-жадвал

Экиш схемасига боғлиқ равишда унаби ўсимлигининг йиллик ўсиш фаоллиги (2021-2023 й.й.)

Экиш схемаси, м	Йиллик ўсиш фаоллиги (бир йиллик новдалар ҳисобида)			
	1 га майдондаги умумий ўсимлик сони, донада	ўрганилган ўсимлик сони, донада	ўртача узунлиги, см	умумий узунлиги, м
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унабининг Маябаизао нави				
5 x 6 (назорат)	333	50	22,3	3,5
4 x 5	500	50	22,0	3,1
3 x 4	833	50	19,5	3,0
3 x 2	1666	50	15,2	2,8
<i>ЭКФ_{0,5}</i>			2,4	2,1
<i>Sx, %</i>			0,08	0,06
<i>R</i>				0,97
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унабининг Жихинзао нави				
5 x 6 (назорат)	333	50	33,3	3,8
4 x 5	500	50	31,0	3,4
3 x 4	833	50	26,5	3,1
3 x 2	1666	50	23,9	3,0
<i>ЭКФ_{0,5}</i>			2,4	1,8
<i>Sx, %</i>			0,07	0,05
<i>R</i>				0,97
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унабининг Занҳуангдазао нави				
5 x 6 (назорат)	333	50	33,3	3,7
4 x 5	500	50	31,0	3,5
3 x 4	833	50	26,5	3,2
3 x 2	1666	50	23,9	3,1
<i>ЭКФ_{0,5}</i>			2,2	1,9
<i>Sx, %</i>			0,06	0,04
<i>R</i>				0,97

Диссертациянинг тўртинчи боб “Унаби ўсимлигининг маҳсулдорлигига экиш схемаларининг таъсири” деб номланган иккинчи бўлимида турли хил экиш схемасининг унабининг Жихинзао нави ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган кузатувларимизда ушбу навимизда ҳосилдорлик кўрсаткичи камроқ бўлиб шу каби тенденцияни аниқлаш имконини берди. Ушбу ҳолатда унабининг навидан қатъий назар, ўсимликларнинг жойлашиш зичлиги оширилганда ҳар бир унаби ўсимлигидан олинадиган ҳосил камайиб, майдон бирлигидан олинадиган ҳосилдорлик эса ортиб борганлиги аниқланди (4-жадвал).

**Унаби навларини беш ёшли дарахтларининг ҳосилдорлигига экиш
схемаларининг таъсири, (2021-2023 й.й)**

Экиш схемаси	Ҳосилдорлик		
	бир дона дарахтдан, кг	майдон бирлигидан, т/га	назоратга нисбатан, %
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унабининг Маябаизао нави			
5 x 6 (назорат)	6,5	2,2	100
5 x 4	6,3	3,1	140
4 x 3	6,0	4,9	222
3 x 2	3,9	6,4	290
<i>ЭКФ_{0,5}</i>		0,6	
<i>Sx, %</i>		0,08	
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унабининг Жихинзао нави			
5 x 6 (назорат)	4,9	1,6	100
5 x 4	4,5	2,2	137
4 x 3	4,1	3,4	212
3 x 2	3,2	5,3	333
<i>ЭКФ_{0,5}</i>		0,4	
<i>Sx, %</i>		0,06	
Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унабининг Занхуангдазао нави			
5 x 6 (назорат)	8,2	2,7	100
5 x 4	7,7	3,8	140
4 x 3	7,2	5,9	218
3 x 2	5,3	8,8	325
<i>ЭКФ_{0,5}</i>		0,7	
<i>Sx, %</i>		0,11	

Бироқ шуни такидлаш жоизки ўсимликларни экиш схемасига қараб яъни сийрак ёки зичлаштириб экилишига боғлиқ равишда меваларни товарлилик ҳолати ва бир дона унаби мевасини маълум бир даражада морфометрик кўрсаткичлари ўзгариб борди. Экиш схемаси 4x3 м бўлган вариантимида ҳосилдорлик, меваларни сифат кўрсаткичлари, товарлилик ҳолати бошқа вариантларга таққосланганда ижобий натижа кўрсатганлиги тажрибаларимиз давомида аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи боб “Вегетатив қаламчалардан ва Майдамевали пайвандтагида етиштирилган унаби навларини ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитлар меъёрини таъсири” деб номланган учинчи бўлимида ўсимликларнинг худудий географик шароити ўзгарганда ва уларнинг озиклантириш меъёрига боғлиқ равишда ўсимликларни ўсиши ва ривожланиш жараёнларида бир қанча морфологик белгиларини ўзгаришлари кузатилди. Ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини, фенологик кузатувлар

давомида адаптив ҳолатини баҳолашда, маълум бир муддатда улардаги ўзгаришларни таққослаш орқали, уларнинг ўсиш ва ривожланишини давомийлигини аниқлаш мумкин бўлади. Айрим кам мева берадиган ва ўртача ҳосилли мевали дарахтлар, енгил типдаги тупроқ шароитларида меваларининг пишиши ва вегетация даври бир оз қисқа бўлади. Тажрибаларда ўрганилган унаби навларда фенологик фазаларнинг ўтиш вақти дярли бир хил бўлиб, дастлабки вегетация даврида ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига экологик муҳитнинг таъсирига боғлиқлиги ўрганилган.

Диссертациянинг тўртинчи боб “Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида унаби етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш” деб номланган бўлимида унаби меваларини етиштириш жараёнида сарфланадиган сарф харажатлар навларнинг иқтисодий қийматини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ялпи ҳосил, маҳсулот таннарни, ишлаб чиқариш харажатлари, сотиб олиш баҳоси маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган жами харажатлар, маҳсулот сотишдан олинган умумий даромад, соф фойда ва рентабеллик даражаси бўйича умумий унаби меваларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди. Бир гектар майдонда унаби навлари маҳсулотларини етиштиришда 118,1 литр миқдорда ЁММ сарфланиб, ЁММга харажат – 1 248,8 минг сўмни ташкил қилди (2023 йилдаги 1 литр ЁММ нарҳи – 10574,5 сўм). Шунингдек, бир гектар унабизорнинг парваришlashга кетган сарф харажат 6 164,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ҳосил етиштиришда соф ҳолдаги $N_{100}P_{40}K_{30}$ кг/га минерал ўғитлар (аммиакли селитра (NH_4NO_3 – N 34,4 %) – 1 740 сўм/кг, суперфосфат ($Ca(H_2PO_4)_2$ – P_2O_5 45 %) – 1080 сўм/кг ва калий сульфат (K_2SO_4 – K_2O 48 %) – 5 600 сўм/кг) билан озиклантирилганда – 1 148,8 минг сўм харажат бўлди. Шунда, унаби навларини парваришlashга кетган умумий харажат – 8 561,6 минг сўм бўлганлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Унаби навларини қурғоқчиликка чидамлилиги таҳлил этилганда ўсимликлар қурғоқчилик шароитида парваришланганда, ўсимлик органларининг сувсизланиши кузатилди. Бунда унаби ўсимлиги қурғоқчилик шароитида ҳаво ҳарорати $+42^{\circ}C$, ҳавонинг нисбий намлиги 14% дан паст бўлганда бошқа навларга нисбатан Маябаизао ва Жихинзао навлари қурғоқчилик шароитига бардошлилиги аниқланган.

2. Унаби навлари шўрланиш шароитида ҳам ўса олиш қобилиятини кўрсатди. Унаби навларини шўрга чидамлилиқ даражасини аниқлашда, хлорид шўрли тупроқ-иқлим шароитида унаби ўсимликларини вегетация давридаги маълум бир ўсиши ва ривожланиш даражалари таҳлил этилди. Бунда пайвандтагда етиштирилган навлар энг юқори 0,03 ва 0,04% NaCl шўрланиш даражасида Маябаизао навида 75%, Жихинзао навида 78%, Занхуангдазао навида эса 76% кўчатларнинг чидамлилиги аниқланган.

3. Энг оғир мева вазни вегетатив қаламчалардан кўпайтирилганда Занхуангдазао навида – 15,8 г ҳамда Майдамевали пайвандтагида етиштирилганда Маябаизао навида – 16,0 г бўлиб, шунингдек, оғир уруғ вазни вегетатив қаламчалардан кўпайтирилганда Маябаизао ва Жихинзао навларида (1,0 г) ва Майдамевали пайвандтагида етиштирилганда ҳам унабининг Маябаизао (1,02 г) ва Жихинзао (1,0 г) навларида шаклланганлиги аниқланди.

4. Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики турли навларни паст ҳароратга чидамлилиги ўсимлик ёшига боғлиқ ҳолда ошиб бориши аниқланди. Агар 2-3 ёшли унаби дарахтларининг маълум бир органлари (бир йиллик новдалар, вегетатив ва генератив куртаклар) шикастланиши кузатилган бўлса, ўсимлик 8-10 ёшда бўлганда бир йиллик новдалар ва маълум бир куртакларни совуқдан (-32°C) зарарланиши мумкин.

5. Унаби навларини экиш схемаси навлар аро фақат ўсимликнинг куртак ёзиш фазасига эмас, балки унинг умумий ўсиш кучига ҳам таъсир кўрсатиши ва айниқса ҳозирда кенг масштабларда барпо этилаётган унаби боғларини барпо этишда айниқса муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида унаби боғларини барпо этишда энг мақбул экиш схемаси 4x3 м этиб белгиланиши ижобий натижа кўрсатди.

6. Унаби ўсимликларни экиш схемасига қараб яъни сийрак ёки зичлаштириб экилишига боғлиқ равишда меваларни товарлилик ҳолати ва бир дона унаби мевасини маълум бир даражада морфометрик кўрсаткичлари ўзгариб борди. Экиш схемаси 4x3 м бўлган назоратга ва бошқа вариантларга нисбатан ҳосилдорлик, меваларни сифат кўрсаткичлари, товарлилик ҳолати юқори бўлди.

7. Унаби боғларини минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёри N₁₀₀ P₄₀ K₃₀ бўлганда вегетатив қаламчалардан кўпайтирилган унабининг Та-ян-цао (st) навида – 6,0 т/га бўлиб, Маябаизао ва Жихинзао навлари унабининг стандарт Та-ян-цао нави билан бир хил ҳосилдорликни намоён қилди. Аксинча, Та-ян-цао (st) навига нисбатан майдон бирлигидан энг кам ҳосилдорликни У-син-хун (6,3 т/га) ва Жихинзао (4,0 т/га) навларида шаклланган.

Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида шўрланишга ва қурғоқчиликка бардошли бўлган, Майдамевали пайвандтагда етиштирилган унабининг Маябаизао ва Занхуангдазао навларини экиш тавсия этилади.

Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитида Майдамевали пайвандтагда етиштирилган унаби навларини 3x4 м экиш схемасида экиш тавсия этилади.

Қашқадарё воҳаси тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб унаби боғларидан сифатли ва юқори ҳосил олишда 1га унаби боғ майдонига N₁₀₀ P₄₀ K₃₀ минерал ўғит қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАИМОВА ДИЛЬНОЗА РАИМОВНА

**ОРГАНИЗАЦИЯ ПЛАНТАЦИИ И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ
ВОЗДЕЛЫВАНИЯ УНАБИ (*Ziziphus jujuba Mill.*) В УСЛОВИЯХ
КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2023.2.PhD/Qx1111.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Исламов Сахиб Якшабекович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Султанов Камолитдин Садриддинович,**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Холмирзаева Лола Бахромовна,
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева**

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «12» август 2024 года в 12:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц. зал).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 551571). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «31» июль 2024 года.
(реестр протокола рассылки № 20 от 05 июль 2024 года).

Ш.И. Асатов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

М.З. Холмуротов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., доцент.

С.А. Юнусов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире большое внимание уделяется расширению ассортимента видов фруктов, закладке садовых плантаций, повышению урожайности и показателей качества плодовой продукции. В настоящее время в мире посевная площадь плантаций унаби, являющейся одной из субтропических плодовых культур, составляет более 410 тысяч гектаров, а валовый урожай 7,5 млн тонн¹. Унаби культивируется с древних времен и широко распространена в Южной и Восточной Азии, Южной Европе (Средиземноморье), Японии и Австралии. В то же время распространена на солнечных, сухих склонах гор и холмов Кавказа и Средней Азии, и к настоящему времени известно около 400 сортов².

В последние годы в таких странах, как Китай, Индия, Южная Корея, США и Россия, проводится ряд научных исследований по выведению урожайных и толерантных к неблагоприятным климатическим условиям сортов унаби интенсивного типа, закладке плантаций в больших объёмах, выращиванию качественных плодов и высокого урожая. К настоящему времени в Китае создано и внедрено в производство множество новых перспективных сортов унаби. Большинство этих новых сортов предназначены для закладки садов интенсивного типа. На сегодняшний день актуальной задачей является закладка плантаций унаби и выращивание качественного урожая пр причине принятия последовательных мер по увеличению объемов производства продукции и экспорта за счет управления сетью плодовоговодства, реформирования системы, расширения посевных площадей плодовых растений.

На территории республики уделяется внимание развитию плодовоговодства, в частности закладке плантаций унаби, планомерному осуществлению выращивания высокого и качественного урожая плодов. В связи с этим важным фактором в современном умном сельском хозяйстве является закладка в республике садов из привезенных из-за границы саженцев интенсивного типа, осуществление современных агротехнических мероприятий, в частности, уделение особого внимания каждому растению с учетом фаз его роста для получения качественного урожая. В пункте 3.30 Постановления № ПФ-60 о Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, посвященном ускоренному развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста, отдельно отмечено «увеличение доходов дехкан и фермеров минимум в 2 раза, доведение годового роста сельского хозяйства минимум до 5% посредством интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе»³.

¹ <https://www.samdu.uz/cy/news/18614>

² https://unabi валовое_производство , html : https://ru wikipedia org/wiki/zizifis_yuyuba/

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4575 от 28 января 2020 года «О мерах по реализации в 2020 году задач, определенных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»⁴, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-52 от 15 декабря 2021 года «О мерах по государственной поддержке сферы плодоовощеводства, дальнейшему развитию системы кластера и кооперации в отрасли»⁵, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

